

Дастлабки телефон кўнгирогги феврал ойининг душанба куни кеч соат ўн бирларда бўлди.

-Телефон ракамингизни газетадан билдим,-деди ёкимли, сал хиркирок овозда аёл киши. Газетадаги эълонда «Ўз жонига касд килмокчи бўлганлар учун ишонч телефони.

Йигирма тўрт соат давомида узлуксиз ишлайди, кўнгирок килувчининг кимлиги сир сакланади, бепул» деб ёзилганди. Оператор ўз жонига касд килишга уриниб кўнгирок килганларнинг кўнгирогини қабул килар ва ўша куни ишлаётган кўнгиллиларнинг уй телефони билан боғларди.

-Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?-сўради Марта Пруетт.

-Ўзим ҳам билмайман...-деди аёл бир оз жим тургач.-Умуман олганда, мен ўзимни ўлдирмокчимасман. Шунчаки қайфиятим жудаям ёмон, шунга ким биландир гаплашсам дегандим.

-Қайфиятингиз нега ёмон?

-Сабаби кўп. Ишкилиб, кўнгирок килаётганларнинг телефон ракамини аниқлайдиган ускуналарингиз йўқми?

-Албатта йўқ,-уни тинчлантирди Марта.-Агар бундай киладиган бўлсак бизга ҳеч ким кўнгирок килмаган бўларди. Тўғри, ким билан гаплашаётганингни билганинг яхши, аммо биз кўнгирок килувчини ўзини таништиришга мажбур килмаймиз. Агар ўзингизни таништирадиган ҳам исмингиз сир сакланади. Менинг вазифам сизга ёрдам бериш. Мен сизнинг розилигингизсиз муаммоларингизни ҳеч ким билан муҳокама килмайман.

-Сиз яхши одамга ўхшайсиз... Исмингиз нима?

-Марта.

-Меники Жанет.

-Танишганимдан хурсандман. Овозингиздан ёшга ўхшайсиз. Турмушга чиққанмисиз?

-Ёшим ўттиз иккида. Турмушга чиққанамга ўн йил бўлди, лекин фарзандимиз йўқ.

-Ерингиз ҳозир уйдаими?

-Ерим душанба кунлари боулинг ўйнагани боради ва уйга ярим кечаси қайтади.

-Ерингиз нима иш килади?

-Ишлайди,-аниқ жавобдан кочди Жанет.

-Қайфиятингиз ёмонлигига эрингиз айбдорми, Жанет?

-Йўқ. Фред яхши...

Шу пайт гўшақдан икки марта каккунинг кукулаган овози эшитилди, сўнг соат ўн бир марта бонг урди ва какку яна икки марта кукулади.

-Сиз менга яхши ёрдам бердингиз,-деди бирдан Жанет.-Қайфиятим бузилган пайтларда сизга кўнгирок килиб турсам бўладими?

-Албатта, фақат менга туша олсангиз. Биз навбат билан ишлаймиз.

-А...-деди Жанет.-Сиз қайси кунлари ишлайсиз?

-Душанба ва чоршанба кунлари, кеч соат саккиздан эрталаб саккизгача.

-Бошқа кунлари тушкунликка тушмасликка ҳаракат киламан,-ҳазиллашди Жанет.-Мени эшитганингиз учун раҳмат, Марта. Миннатдорман...

Жанет иккинчи марта чоршанба куни деярли ярим тунда кўнгирок килди. Ухлаб қолган Мартани телефон кўнгирогги уйғотиб юборди.

-Марта?-деди хириллаган аёл товуши.

-Ҳа, Жанет.

-Овозимдан танидингизми?-хайрон колди аёл.-Мен бўлсам сизларга кўплаб кўнгиноклар бўлгани учун мени унутиб юборгандирсиз деб ўйлагандим.

-Унутганим йўк. Яна кайфиятингиз ёмонми?

-Дахшатли.-Жанет хикиллади.-Мен... мен сизни алдагандим, Марта. Мен доим ўзимни ўлдириш хакида ўйлайман. Нима килишни билмай колдим.

-Хозир ёнингизда бўлиши мумкин бўлган дугонангиз борми?

-Дугоналаримга муаммоларимни айта олмайман,-деди Жанет.

-Канака муаммоларингиз бор?-кизикди Марта.

-Менинг асосий муаммом шуки, мен аклдан озьяпман. Мен эримни жудаям севаман, лекин вакти-вакти билан уни... ўлдиргим келади,-деди Жанет махзун товушда.-Хаттоки яқшанба куни кечкурун мен ошхонага пичок олгани кирдим. Агар вақтида ўзимга келмаганимда ухлаб ётган эримни сўйиб кўйган бўлардим. Шунинг учун кўркиб кетяпман. Жанетга ўхшаганларни факат шифокорга боришга кўндириш лозимлиги Мартага тажрибадан маълум эди. Колган барча нарса бефойда.

-Ерингиз сиз уни ўлдирмокчи бўлаётганингизни биладими?

-Йўк. У менинг севишимни билади. Шунинг учун кайфиятим яхши пайтда ўзимни ўлдиргим келади. Уни ўлдиргандан кўра ўзим ўлганим яхши!

-Хеч кимнинг ўлишига хожат йўк,-деди Марта катъийлик билан.-Ишончим комил, сизга рухшунос ёрдам бера олади. Кучли мутахассислар кўп. Истасангиз, кимга учрашингизни айтаман.

-У эримга айтиб кўймайдими?

-Албатта йўк. Унинг исми Алберт Маннерс, анча таникли рухшунос. Эслаб колдингизми? Эртагаёк унга кўнгинок килинг. Бўптими?

-Хўп, Марта. Ваъда бераман. Сизга катта раҳмат, менга анча ёрдам бердингиз... Жанет учинчи ва охириги марта душанба куни соат тўққизга яқин кўнгинок килди.

-Жуда кеч...-деди у йигламсираб.-Эртагача кута олмадим. Жудаям кеч...

-Жанет?-деди Марта аввалига унинг овозини танитай.

-Ха, мен. Салом, Марта!..

-Кандай қарорга келдингиз?

-Жудаям кеч. Эртагача кута олмадим...

-Нимани кута олмадингиз?

-Доктор Маннерснинг кабулига боришни. Эримни ўлдира олмайман. Уни севишимни етказиб кўйинг...

-Ерингизни каердан топаман?-умидсизлик билан кичкирди Пруетт.-У каерда боулинг ўйнайди?

-Елкс-Мен-Лигдан. Фред... Фред Уотерс. Унга айтиб кўйинг...

Жанет жим бўлиб колди, лекин киска гудок товуши ўрнига Марта яна какку товушини эшитди. Сўнг соат тўққиз марта бонг урди ва какку яна икки марта кукулади.

Марта Пруетт Жанетнинг эрини зўрга топди.

-Ха, Жанет,-деди Фред Уотерс гўшакда.-Нима гап?

-Йўк, йўк, Жанет эмасман. Мен ўз жонига касд килмокчи бўлганларга рухий ёрдам кўрсатиш марказида ишлайман,-деди Марта шошиб-пишиб.-Йигирма дақиқа олдин хотинингиз кўнгинок килди. У кандайдир дори ичган ва хушидан кетиб колди. Тезда уйга боринг. Албатта «тез ёрдам»га кўнгинок килинг. Менинг исмим Марта Пруетт. Телефон рақамимни ёзиб олинг.-Марта телефон рақамини айтди.-Кўнгиногингизни кутаман.

-Кўнгинок килганингиз учун раҳмат,-хаяжонланиб миннатдорчилик билдирди Фред

Уотерс.

Соат ўн бир яримда телефон жиринглади.

-Мисс Пруетт?-деди нотаниш эркак.

-Политсиядан лейтенант Герман Абелман. Доктор Уотерс сизга кўнгирок килишимни илтимос килди, чунки унинг ўзи хозир гаплашадиган холатда эмас. Тушунишимча, хотини кандайдир дори ичиб олганини унга сиз айтгансиз.

-Ха. Жанет тузукми?

-Афсуски, «тез ёрдам» етиб келганида кеч бўлган экан. Уотерс хоним вафот этди.

-Дахшат! У эндигина ўттиз иккига кирганди. Агар катъиятлирок бўлганимда у ўлмаган бўларди!..

-Ўзингизни айбламанг,-деди Абел.-Бошкармага қачон келиб кўрсатма бера оласиз?

-Истаган пайтингизда. Мен нафақадаги одамман, бўш вақтим кўп.

-Унда сизни эртага соат тўртда кутаман.

-Яхши, лейтенант. Эртагача...

Марта Пруетт политсия бошкармасига роппа-роса тўртда кириб келди. Абел уни Фред Уотерс-ўттиз беш ёшлардаги бўйи баланд, сочлари коп-кора, тишлари хайрон коларли даражада оппок эркак билан таништирди.

Жанет уни кўп марта ўлдирмокчи бўлганлигини эшитиб Уотерс хайрон колди. «Кейинги пайтда у тушкун кайфиятда эди, аммо унинг бу даражага етиб колганлигини билмаган эканман», деди у.

-У мени севади деб ўйлардим,-деди каловланиб колган тиш доктори.

-Шундай ҳам эди,-таъкидлади Марта.-Доктор, хотинингиз аклан носоглом бўлган.

Марта Жанет хакида билган ҳамма нарсасини айтиб берди ва кўрсатмасига имзо чекди. Абел бу вақт орасида доктор Маннерснинг кабулхонасига кўнгирок килди ва Жанет хакикатан ҳам унинг кабулига ёзилганлигини аниқлади. Уотерс хоним ўз жонига касд килганлиги учун иш тезда ёпилди...

Марта Пруетт йилда икки марта албатта тиш докторига учрарди. Унинг доктори Флоридага кетганди. Марта Фред Уотерснинг тиш доктори эканлигини эслади. Май кунларидан бирида, Жанет ўз жонига касд килганидан уч ой кейин у Уотерснинг кабулхонасига кўнгирок килди ва жума кун соат тўрт яримга кабулга ёзилди.

У ўн беш дақиқага кеч колди, лекин шошилмаса ҳам бўларкан. Доктор барибир уни бешдан олдин кабул кила олмас, чунки мижоз билан банд экан.

-Мен докторнинг олдига киргунингизга қадар кетиб қолишим мумкин,-деди корасоч хамшира.-Соат олтидаги автобусга улгуришим керак. Когозингизни бераман, докторга ўзингиз бераверасиз.

Марта стол устида турган аёллар журнаlinesи кўлига олди ва ўқишга берилди. Орадан ўн дақиқа ўтгач, деворда осиглик турган ёгоч соат ичидан какку чикиб соат беш бўлганлигини билдирди. «Худди Жанет Уотерс билан бўлган суҳбатларимиздагидек», ўйлади Пруетт.

-Хоним, мабодо билмайсизми, доктор Уотерснинг уида ҳам худди шунака соат борми?-сўради у хамширадан.

-Билмадим,-деди хамшира.-Бу ерда ишлаётганимга энди икки хафта бўлди, лекин яқинда бу соат мени аклдан оздиради. Жаноб Уотерс бу соатни уйланганидан кейин бу ерга олиб келиб осмагани яхши эди.

-Лекин у ўн йил олдин уйланган-ку,-хайрон бўлди Марта.

-Кейинги уйланишини айтяпман,-жилмайди хамшира.-У уч хафта олдин Жоанга

уйланган. Жоан шу ерда хамшира бўлиб ишларди.

Марта Пруетт гамгин бош чайкади. «Буни кара-я,-деди у ичида,-хотини ўлганига икки ой бўлиб-бўлмаб бошқасига уйланибди». Унинг докторга нисбатан фикри ўзгарди.

-Бу соат Жоаннинг уйида турарди,-гапида давом этди хамшира.-У доктор Уотерснинг уйига кўчиб ўтгач, уйидаги анча-мунча нарсаларни сотди, колган нарсаларни, мана шу соатни ҳам ўзи билан олиб келди.

Марта Пруетт ўйчанлик билан соатга тикилиб колди. Агар учала кўнгирок ҳам доктор Уотерснинг уйдан эмас, балки унинг хамширасиникидан амалга оширилган бўлса, демак, у Жанет Уотерс билан эмас, Жоан билан гаплашган экан-да!

Соат роппа-роса беш бўлганида эшик очилиб, кабулхонада мижоз ва доктор Уотерс пайдо бўлди.

-Руби, жаноб Кертисни кейинги чоршанбага кабулга ёзиб кўйинг,-деди Фред хамширага,-кейин кетаверинг.

Ва у Мартани кўриб колди. Унинг юзида хавотирга ўхшаш ифода пайдо бўлди.

-Салом!-сўрашди у.-Сизни куттириб кўйганим учун узр. Юринг ичкарига.

Марта худди ёгоч оёқда тургандек зўрга ўрнидан турди, Уотерснинг ортидан ичкарига кирди ва креслога ўтирди. Уотерс унинг бўйнига мато боғлади ва Марта огзини очди.

Кейинги ўн беш дакика давомида Фред Уотерс унинг тишидаги тошларни тозалади, Марта эса энди нима килиш кераклигини ўйлаб ўтирди. У огзини чайкаш учун каддини тиклаган пайтда эшик очилиб, йигирма беш ёшлардаги малласоч аёл кўринди.

-Кечир, азизим,-деди у сал хиркирок овозда.-Ишинг тугади деб ўйлабман.

-Сиз Жоан бўлсангиз керак,-деди шу захоти унинг овозини таниган Марта. У жим туриши лозимлигини биларди, аммо ўзини тутиб туролмади.-Мен Мартаман. Эсладингизми, Жоан?

Ранги оқариб кетган аёл Мартага узок тикилиб турди, сўнг пешонасини тириштириб бош чайкади.

-Биз танишмизми?-сўради у.

-Факат телефон оркали,-совук охангда жавоб кайтарди Пруетт.-Кандай аклли котиллик!

Менинг ёрдамим билан Жанетни ўзини ўлдиришга уринадиган аклдан озган аёлга чикардинглар. Уни кандай захарладингиз, доктор?-Марта кахрли нигоҳини тиш докторига каратди.-Кахвасига дори кўшиб кўйдингизми?

-Албатта, мижозингнинг ўта катта дозадаги анестезиядан вафот этиши обрўингга путур етказди, аммо котиллик бўйича жавобгарликка тортилгандан кўра шуниси яхши, азизим,-деди малласоч.

-Мен кетаман,-деди Марта ўрнидан туришга уриниб.

-Бошка иложинг йўк.-Жоан Мартага умуман эътибор бермади.-Хамма буни бахтсиз ходиса деб ўйлайди.

Доктор Уотерс Мартанинг елкасидан тутиб уни яна креслога ўтказди.

-Юзига газли никобни так,-деди у хотинига.

Марта Пруетт каршилиқ килмокчи бўлди, аммо Жоан бир кўли билан унинг жагидан махам ушлади ва иккинчи кўли билан никобни унинг юзига босди. Шу пайт эшик очилиб, корасоч хамшира Рубининг овози эшитилди.

-Мен чиптамни унутиб колдирибман, доктор. Кайтишга тўгри келди...-У турган жойида котиб колди.-Бу ерда нима бўляпти?

Кутилмаган ходисадан доктор Уотерс Мартанинг елкаларини кўйиб юборди, Жоан ҳам ўзини йўкотиб никобни тушириб юборди. Пруетт Жоаннинг кўлини тишлади ва иккала

оёги билан Уотерснинг корнига тепди. Уотерс асбоблар турадиган столга учиб тушди. Марта хонадан отилиб чиқди. Бахтига у машинасини бино эшиги олдига кўйганди. Доктор хотини билан ташкарига югуриб чикканида унинг машинаси жойидан жилганди. Марта Пруетт тўғри политсия бошкармаси томон йўл олди.

Рус тилидан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.